

## ТАУЦИННИНГ ГЕПАТОПРОТЕКТОРЛИК ХУСУСИЯТИ

Шомансурова Нилуфар, талаба

**Abdivoxidova Feruza Komiljonovna, assistant**

**Илмий раҳбар: Амонова Зулайхо Худоймуродовна**

Фармакология ва клиник фармакология кафедраси, ассистент,

Тошкент давлат тиббиёт университети Термиз филиали, Термиз, Ўзбекистон  
**Мавзунинг долзарблиги.** Жигар барча тирик организмлар учун муҳим орган бўлиб, ҳар доим тиббиёт ходимларининг ва олимларнинг диққат – эътиборининг марказида бўлган. Жигарнинг ҳаётий муҳим функцияларни амалга ошириши барчага маълум оқсилларни(альбуминлар, қон ивиш факторларини), холестерин, ферментлар, гормонлар, ўткислоталарни синтезлайди. Қонни ортиқча гормонлардан, моддалар алмашинуви махсулотларидан, токсинлардан халос этиш; углевод, витамин ва минерал моддалар алмашинувида иштирок этади. Шунингдек баъзида ушбу фаолиятда гепатоцитларнинг шикастланиш ҳолатлари юз беради. Дунё бўйича гепатит касаллиги ҳозирги вақтда энг кўп учраётган хасталикларидан бири ҳисобланиб, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг берган маълумотларга кўра (2022 й) Европада новирис гепатит билан оғриганлар ҳар 100000 аҳолига 16-18 кишини ташкил этади.

Таурин (2-аминоэтансульфонкислотаси) – бу сулфокислота (олтингугурт сақловчи, лекин оқсил табиатига эга бўлмаган аминокислота) бўлиб, асосан сут эмизувчиларнинг тўқималарида ҳосил бўлади ва улғайган сайин унинг миқдори организмда камайиб боради. Организм ривожланиши учун кўплаб муҳим биологик жараёнларда иштирок этади. 1827 йилда немис олимлари Фридрих Тиадеманн ва Леополд Гмелин биринчи марта ҳозирги вақтда маълум бўлган тауринни буқа сафросидан ажратиб олишган. Шунинг учун унга “таурине” (лотинча “Таурус” - буқа) деб ном беришган Рух (лотинча Zincum ёки Zn) организм учун муҳим биологик аҳамиятга эга бўлган микроэлементлардан биридир. Рух 300 дан ортиқ ферментларнинг таркибий қисмидир, шунинг учун у хужайра ичидаги биорегулятор ҳисобланади. Кўринишидан, у таурин каби, мустақил гепатопротектив таъсирга эга бўлиши мумкин. Ушбу тахмин рухнинг антиоксидант хужайраларини химоя қилиш фермент тизимининг энг муҳим таркибий қисмлари бўлган супероксиддисмутаза ва глутатионпероксидазанинг бир қисми эканлигига асосланади. Эрта туғилган чақалоқларда цистатионинни цистеинга айлантирадиган ферментлар йўқлиги ва шунинг учун агар улар эмизикли бўлмаса, таурин етишмовчилиги бўлиши мумкин, деб ишонилади. Таурин инсон сутида мавжуд бўлиб, тауринни овқатга қўшишнинг мумкин бўлган фойдаси ҳақида далиллар мавжуд, айниқса эрта туғилгандан кейин. Рух эркакларда репродуктив тизим саломатлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Айниқса, сперматозоидларнинг ҳаракатлилиги ва сперма ишлаб чиқарилиши учун зарурдир. Эркакларда рух етишмаслиги бепуштлиқ хавфини ошириши мумкин. Шунингдек, ҳомиладор аёллар учун ҳам рух ўта муҳимдир, чунки у ҳомила ўсиши ва ривожланиши учун зарур. Рух етишмовчилиги

ҳомиладорлик асоратларига олиб келиши мумкин. Таурин ва рухнинг биргаликдаги таъсири боланинг нормал ривожланишини таъминлаб беради.

**Хулоса.** Таурин ва рухнинг биргаликдаги таъсирида жигар ҳужайраларидаги етишмовчилик бартараф этилади. Тауцин препарати гепатитда антиоксидант таъсирга эга бўлиб, каталаза ва супероксиддисмутаза фаоллигини ошириши, липид пероксидланиш маҳсулотларининг тўпланишини олдини олиши, жигарда конъюгацияланган диенлар ва диенкетонлар миқдорини камайтиради. жигар монооксигеназ тизим ферментларига эссенциале препарати сингари индукцияловчи таъсир кўрсатиши ва жигарнинг антитоксик фаолиятини оширади. Тауцин препарати жигар ҳужайраларидан ўт ажралишини, ўтнинг таркибидаги билирубин, ўт кислотаси, холестерин миқдорларини ошириб, одестон препаратига тенг холеретик таъсир кўрсатади. Тауцин препарати нисбатан кам заҳарли бўлиб, кумуляцияланиш, маҳаллий қитиқлаш, аллергия, эмриотоксик таъсирларни чақирмаслиги ва давомли берилганда периферик қон кўрсаткичларига, буйрак, жигар фаолиятига, ички органларининг морфологиясига терапевтик дозада салбий таъсир кўрсатмайди.